



## ОИЛА-ТУРМУШ МУНОСАБАТЛАРИДАГИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИДА ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Бабаханов Ҳамдам Қадамович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ҳуқуқбузарликлар  
профилактикаси фаолияти кафедраси ўқитувчиси, майор

Норбайев Диёрбек Ҳамза ўғли

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси  
3-ўқув курси 313-гуруҳ курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.19762630>

### ARTICLE INFO

Received: 14<sup>th</sup> April 2026

Accepted: 15<sup>th</sup> April 2026

Published: 24<sup>th</sup> April 2026

### KEYWORDS

профилактика инспектори,  
оилавий низо, зўравонликнинг  
олдини олиш, маҳалла,  
профилактик суҳбат.

### ABSTRACT

*Ушбу мақолада профилактика инспекторининг оилалардаги келишмовчиликлар ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олишдаги роли ёритилган. Мақолада асосий эътибор низоли оилаларни барвақт аниқлаш жиҳатларига қаратилган. Шунингдек, оила-турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликларни камайтириш бўйича айрим таклифлар берилган.*

Оила жамиятнинг энг асосий ва бирламчи ижтимоий институти сифатида нафақат шахс камолоти, балки умумий ҳуқуқий тартибот ва жамоат хавфсизлигининг ҳам пойдеворини ташкил этади. Шу нуқтаи назардан, оила-турмуш муносабатлари доирасидаги ҳуқуқбузарликлар масаласи фақат маиший низо ёки ихтилоф сифатида эмас, балки кенг қамровли ижтимоий-ҳуқуқий муаммо сифатида баҳоланиши лозим.

Мазкур ёндашув Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларида ҳам ўз ифодасини топган. Хусусан, Конституциянинг

**76-моддасида [1]** оила жамиятнинг асосий бўғини экани ва у давлат ҳамда жамият муҳофазасида бўлиши белгиланган. Шунингдек, никоҳнинг ихтиёрийлик, тенглик ва миллий анъанавий қадриятларга асосланиши, давлат томонидан оиланинг тўлақонли ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратилиши мустаҳкамланган. Ушбу конституциявий қоидалар оилавий муносабатларни муҳофаза қилиш ва улардаги салбий ҳолатларнинг олдини олиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканини кўрсатади.

Амалдаги ҳуқуқий ёндашувларга кўра, оила-турмуш муносабатлари доирасидаги ҳуқуқбузарлик деганда оила аъзолари, яқин қариндошлар ёки бир рўзғор асосида биргаликда яшовчи шахслар ўртасида содир этилиб, маъмурий ёки жиноий жавобгарликни келтириб чиқарадиган ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатлар тушунилади. Мазкур таърифнинг мазмунан тўғри қўлланилиши профилактика фаолиятида алоҳида аҳамият касб этади, чунки у ҳуқуқбузарликнинг аниқ доирасини белгилаб бериш билан бирга, унинг латент шакллари ҳам аниқлаш имконини яратади.

Шу билан бирга, профилактика амалиётида **“нотинч оила”** тушунчасини аниқ ва бир хил талқин қилиш муҳим аҳамиятга эга. **Нотинч оила** — бу фақат бир марта низо келиб чиққан оила эмас, балки мунтазам зиддиятлар, зўравонлик ҳолатлари ёки ижтимоий носоғлом омиллар (алкоголизм, гиёҳвандлик, руҳий беқарорлик) устувор

бўлган муҳитдир [2]. Бундай оилаларни эрта аниқлаш ва улар билан тизимли иш олиб бориш профилактика фаолияти самарадорлигини таъминловчи асосий шартлардан бири ҳисобланади. Шу боис, амалиётда мазкур тоифа профилактика инспекторининг биринчи даражали назорат объекти сифатида қаралиши лозим.

Бундай оилаларни эрта босқичда аниқлаш ва улар билан тизимли иш олиб бориш профилактика инспектори фаолиятининг марказий йўналишларидан бири ҳисобланади. Акс ҳолда, бундай муҳитда шаклланаётган ижтимоий хатарлар вақт ўтиши билан оғир ҳуқуқбузарликларга айланиши эҳтимоли юқори бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги

ПФ-27-сон Фармони [3] ва унинг қўшимчалари, жумладан “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепцияси” ва ички ишлар органлари профилактика инспекторлари вазифалар рўйхати, нотинч ва муаммоли оилалар билан ишлашнинг аҳамиятини очиқ кўрсатади.

Оилавий муносабатларнинг мазмун-моҳияти фақат ҳуқуқий нормалар билан чекланиб қолмай, балки маънавий-ахлоқий қадриятлар билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Ислон таълимотида оила муқаддас неъмат сифатида эътироф этилиб, ундаги муносабатлар меҳр-муҳаббат ва ўзаро ҳурмат тамойилларига асосланиши лозимлиги таъкидланади. Қуръони каримда “Сизларга сокинлик топишингиз учун ўзингиздан жуфтлар яратгани ва ораларингизда муҳаббат ва раҳмат пайдо қилгани Унинг оятларидандир” (Рум, 21-оят) деб [4] таъкидланиши, оилавий муносабатларнинг зўравонликка эмас, балки руҳий мувозанат ва барқарорликка хизмат қилиши кераклигини англатади. Шунингдек, ҳадисларда оила аъзоларига нисбатан меҳр ва ғамхўрлик қилиш нафақат ахлоқий бурч, балки савобли амал сифатида баҳоланади. Бу эса оилавий муносабатларда масъулият ва инсонийлик устувор бўлиши зарурлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Бироқ, назарий ва маънавий асослар қанчалик мустаҳкам бўлмасин, уларни таъминлаш учун аниқ ҳуқуқий механизмлар ҳам зарур. Шу маънода, амалдаги қонунчиликда оилавий (маиший) зўравонлик учун алоҳида жавобгарлик чораларининг белгилангани муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 59<sup>2</sup>-моддасида [5] турмуш ўртоғи ёки яқин шахснинг ҳуқуқларини чеклаш, унинг шаъни ва қадр-қимматини таҳқирлаш, қўрқитиш ёки унга нисбатан жисмоний таъсир ўтказиш каби ҳаракатлар ҳуқуқбузарлик сифатида баҳоланиб, улар учун жарима ёки маъмурий қamoқ жазolari назарда тутилган. Бу нормаларнинг киритилиши давлат томонидан оилавий муносабатларда зўравонликка нисбатан муросасиз муносабат шакллантирилаётганини кўрсатади.

Шу билан бирга, оилавий муносабатларнинг ҳуқуқий асослари

**Оила кодекси** [6] нормалари орқали мустаҳкамланган бўлиб, унда эр ва хотиннинг тенг ҳуқуқлилиги, оилавий масалаларни биргаликда ҳал этиш мажбурияти ҳамда ҳар бир тарафнинг шахсий эркинлиги кафолатланган. Хусусан, никоҳ давлат рўйхатидан ўтган пайтдан бошлаб эр-хотин ўртасида ҳуқуқ ва мажбуриятлар вужудга келиши, уларнинг оилада тенг ҳуқуқларга эга эканлиги ва болалар тарбияси масалаларини биргаликда ҳал этиши белгиланган. Бу нормалар оилада ҳокимият ва бўйсунув эмас, балки шериклик ва ўзаро масъулият тамойили устувор бўлиши кераклигини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлайди.

Шундай қилиб, оила-турмуш муносабатлари доирасидаги ҳуқуқбузарликлар муаммоси комплекс ёндашувни талаб этади. Ушбу соҳада самарали натижага эришиш фақат жазо чораларини қўллаш билан чекланиб қолмасдан, балки оила институтини мустаҳкамлаш, маънавий қадриятларни тиклаш ва профилактика механизмларини кучайтириш билан узвий боғлиқдир. Айниқса, профилактика инспекторининг фаолияти айнан шу жараёнда ҳал қилувчи аҳамият касб этиб, у ҳуқуқбузарлик содир

этилгандан кейин эмас, балки унинг илдизларини бартараф этишга қаратилган фаол субъект сифатида намоён бўлиши лозим.

Оиладаги зўравонликнинг келиб чиқиши бир омилга боғлиқ эмас, балки у кўп қиррали ижтимоий-психологик ва маданий сабаблар таъсирида шаклланади. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, шахснинг тажовузкор хулқ-атвори кўп ҳолларда унинг болалик даврида шакланган бўлиб, ота-она ёки яқин муҳитда кузатилган зўравонлик моделлари кейинчалик унинг шахсий ҳаётида такрорланади. Бундай ҳолатда шахс ўзини тутишнинг салбий намунасини “нормал ҳолат” сифатида қабул қилиб, уни ўз оиласида ҳам қўллаш бошлайди.

Шу билан бирга, спиртли ичимликлар ва гиёҳванд моддалар истеъмоли шахснинг руҳий ҳолатига салбий таъсир кўрсатиб, унинг ўзини назорат қилиш қобилиятини пасайтиради ва агрессив хатти-ҳаракатларни кучайтиради. Маданий савиянинг пастлиги, ахлоқий қадриятларнинг етарли даражада шакланмаганлиги ҳам оилавий низоларни кескинлаштирувчи омиллардан бири ҳисобланади. Айниқса, оила аъзолари ўртасида ўзаро ҳурмат ва ишончнинг йўқлиги, бир томоннинг камситилиши ёки қадрсизлантирилиши зўравонликка олиб келувчи муҳитни шакллантиради.

Бундан ташқари, оммавий ахборот воситалари орқали зўравонлик ҳолатларининг нормаллаштирилиши ёки шахснинг агрессив муҳитда мулоқот қилиши ҳам унинг хулқ-атворига таъсир кўрсатади. Шу сабабли, оилавий зўравонликни олдини олишда унинг сабабларини чуқур таҳлил қилиш ва ҳар бир ҳолатга индивидуал ёндашувни таъминлаш зарур.

Амалиёт шуни кўрсатадики, оила-турмуш муносабатлари доирасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларнинг асосий қисмини аёллар ва болалар ташкил этади. Шу нуқтаи назардан, профилактика фаолияти нафақат ҳуқуқбузарга, балки жабрланувчига нисбатан ҳам комплекс ёндашувни талаб қилади. Жабрланувчининг виктимологик хусусиятларини ўрганиш, унинг хулқ-атвори, ижтимоий муҳити ва ҳимоя имкониятларини таҳлил қилиш келгусида содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Оилага қарши ҳуқуқбузарликлар профилактикасини самарали ташкил этиш учун, аввало, профилактика субъектлари фаолиятини ўзаро мувофиқлаштириш зарур. Хусусан, ички ишлар органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотлари ва бошқа тегишли тузилмаларнинг ҳамкорлиги қийин ҳаётий вазиятга тушиб қолган оилаларни эрта аниқлаш ва уларга манзилли ёрдам кўрсатиш имконини беради. Бундай ёндашув, айниқса, оиладаги нормал ҳаёт тарзининг бузилиши, жумладан, шахсни никоҳга мажбурлаш ёки никоҳга киришига тўсқинлик қилиш каби ҳолатларни бартараф этишда муҳим аҳамиятга эга.

Якка тартибдаги [7] профилактика чора-тадбирлар ичида энг самарали усуллардан бири — профилактик суҳбат ҳисобланади. Бироқ бундай суҳбатлар формал тарзда эмас, балки аниқ мақсадга қаратилган ҳолда, психологик ва педагогик ёндашув асосида ўтказилиши лозим. Унда нафақат ҳуқуқбузарнинг, балки жабрланувчининг ҳам хулқ-атворини таҳлил қилиш, уларга ҳуқуқий тушунтириш бериш ва можарони тинч йўл билан ҳал этиш имкониятларини кўрсатиш муҳимдир.

Шунингдек, профилактика тадбирлари доирасида мунтазам равишда рейдлар ўтказиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бундай тадбирларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари, маҳалла фаоллари, васийлик ва ҳомийлик органлари иштирок этиб, кўп хотинлилик, никоҳ ёшига оид талабларни бузиш, шунингдек, шахсни никоҳга мажбурлаш ёки тўсқинлик қилиш каби ҳолатларни аниқлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширадilar.

Бу борада мустақил изланувчи Х.Қ. Бабаханов [8] мақоласида шундай таъкидлайди. “Профилактика инспектори нотинч ва муаммоли оилаларни аниқлаш, уларнинг манзилли рўйхатларини тузиш, маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш, низоли

ҳолатларнинг олдини олиш, оилавий муносабатларни мустаҳкамлаш ва миллий менталитетга зид бўлган ёт хавф-хатарларга қарши курашиш мақсадида улар билан тўғридан-тўғри ишлашни ташкил этади”.

Профилактика фаолиятини такомиллаштиришда илмий ва амалий ҳамкорлик ҳам муҳим ўрин тутаяди. Хусусан, профилактика субъектлари ва илмий доира вакиллари иштирокида мунтазам равишда семинарлар, давра суҳбатлари ва конференциялар ўтказиш орқали илғор тажрибани умумлаштириш ва амалиётга жорий этиш имкони яратилади.

Оилага қарши ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда иқтисодий, ижтимоий, маънавий ва ҳуқуқий чора-тадбирларнинг ўзаро уйғунлиги таъминланиши лозим. Жумладан, ишсизликни камайтириш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш, кўп болали ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга қаратилган чоралар муҳим аҳамиятга эга. Оммавий ахборот воситалари орқали зўравонликни тарғиб қилувчи материалларга чек қўйиш [9] ва аксинча, ҳуқуқий маданиятни оширишга хизмат қилувчи контентни рағбатлантириш ҳам профилактиканинг муҳим йўналишларидан биридир.

Шу билан бирга, мазкур соҳада қонунчиликни янада такомиллаштириш, ҳуқуқий тартибга солинмаган ижтимоий муносабатларни қамраб олувчи янги нормаларни ишлаб чиқиш ҳам долзарб вазифалардан ҳисобланади. Чунки айрим ҳолатларда ҳуқуқбузарликлар латент характерга эга бўлиб, уларнинг аниқланмаслиги ва жазосиз қолиши жамият учун хавфни янада оширади.

Хулоса сифатида таъкидлаш жоизки, оила-турмуш муносабатлари доирасидаги ҳуқуқбузарликлар юқори даражада яширин (латент) бўлгани сабабли, уларнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси амалда кўринганидан анча юқори бўлади. Оилавий муҳитдаги носоғломлик нафақат алоҳида шахс, балки бутун жамият учун катта иқтисодий ва маънавий йўқотишларга олиб келади. Шу боис, мазкур соҳада самарали профилактика сиёсатини амалга ошириш, жумладан умумий ва махсус криминологик чора-тадбирларни уйғун ҳолда қўллаш орқали оила институтини мустаҳкамлаш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2019 йил 11 июлдаги 181-сон буйруғи
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сон Фармони.
4. <https://islom.uz/maqola/16728> .
5. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси.
6. Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси.
7. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги ЎРҚ-371-сон қонун.
8. Қадамович Б. Ҳ., Бозорбоев Ж. Д. Ў. НОТИНЧ ОИЛАЛАР БИЛАН ИШЛАШДА ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИ ФАОЛИЯТИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ //Сентрал Асиан Жоурнал оф Мултидисциплинарй Ресеарч анд Манагемент Студиеc. – 2025. – Т. 2. – №. 11. – С. 36-39.
9. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси